

ЖАМОАТ ХАВФСИЗЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ ФАОЛИЯТИНИ БОШҚАРИШ СОҲАСИДАГИ ИСЛОҲОТЛАР: НАТИЖА ВА ИСТИҚБОЛЛАРИ

*Худойшукуров Фарход Турсоатович,
Сурхондарё вилояти ИИБ Жамоат
хавфсизлиги хизмати гуруҳ командири*

Аннотация. Мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг қўламли ислоҳотлар доирасида аҳолининг тинч ва осойишта ҳаётини таъминлаш ҳамда жамиятимизда қонунга итоаткорлик ва жамоат хавфсизлиги маданиятини шакллантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Жумладан, жамоат хавфсизлигини таъминлаш йўналишидаги ишларни «Халқ манфаатларига хизмат қилиш» тамойили асосида ташкил этишнинг мутлақо янги механизм ва тартиблари жорий этилиб, давлат органларининг жамоатчилик тузилмалари билан ўзаро мақсадли ҳамкорлиги йўлга қўйилди. Шунингдек, ички ишлар органлари тизимидаги бир қатор соҳавий хизматларнинг жамоат хавфсизлигини таъминлашдаги иштироки аниқ белгиланиб, уларнинг бу борадаги асосий вазифалари ва ўзаро ҳамкорлиги мустақамланди. Мақолада ички ишлар органларининг жамоат хавфсизлигини таъминлаш фаолиятини бошқариш соҳасидаги ислоҳотлар, уларнинг натижалари ва истиқболлари ёритилган.

Таянч сўзлар: бошқариш, ички ишлар органлари, жамоат тартиби, жамоат хавфсизлиги, жамоат хавфсизлигини таъминлаш, ислоҳотлар, ҳуқуқий, ташкилий-тактик, моддий-техник.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг қўламли ислоҳотлар доирасида аҳолининг тинч ва осойишта ҳаётини таъминлаш ҳамда жамиятимизда қонунга итоаткорлик ва жамоат хавфсизлиги маданиятини шакллантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Жумладан, жамоат хавфсизлигини таъминлаш йўналишидаги ишларни «Халқ манфаатларига хизмат қилиш» тамойили асосида ташкил этишнинг мутлақо янги механизм ва тартиблари жорий этилиб, давлат органларининг жамоатчилик тузилмалари билан ўзаро мақсадли ҳамкорлиги йўлга қўйилди.

Шу билан бирга, жаҳонда кучайиб бораётган турли хавф-хатар ва зиддиятлар, эл-юрт тинчлиги ва осойишталигига таҳдидлар, пандемия, табиий ва техноген офатлар масбул давлат тузилмаларига ўз фаолиятини «Барча саъй-

ҳаракатлар инсон қадри учун» деган устувор ғоя асосида янада такомиллаштириш вазифасини юкламоқда¹.

Маълумки, мамлакатимизда барқарорлик, тинчлик ва осойишталикни қарор топтириш, инсон ҳуқуқ ва эркинликларига сўзсиз риоя этилишини таъминлаш, жамоат тартибини сақлаш, шахс, жамият ва давлат хавфсизлигини таъминлаш бўйича яхлит тизим яратилган бўлиб, унда ички ишлар органлари муҳим ўрин эгаллайди. Дарҳақиқат, бугунги кунда республикамизнинг вилоят ва шаҳар марказлари, катта шаҳарларида, маҳаллалар, кўчалар, майдонлар, маданият ва истироҳат боғлари, транспорт объектлари ва бошқа жамоат жойларида, шунингдек турли оммавий тадбирларини ўтказиш вақтида жамоат тартибини сақлаш ва хавфсизлигини таъминлашни ички ишлар органларининг фаолиятсиз тасаввур қилиб бўлмайди².

Жамоат хавфсизлигини таъминлаш фаолиятининг самарадорлигини ошириш учун уларда мавжуд кучларни уюштириш, фаолиятини тўғри ташкил қилиш, мувофиқлаштириш ва бошқариш талаб этилади. Бу борада тадқиқот олиб борган В. Ткаченко, В. Колениченко, Р. Богачев, Н. Зимовест каби олимларнинг фикрига қўшилган ҳолда айтиш мумкинки, «Ижтимоий бошқарув объектлари орасида жамоат хавфсизлигини таъминлаш жуда муҳим бўлиб, уларсиз фуқаролик жамиятининг нормал яшаши, шунингдек, унинг ижтимоий, иқтисодий, сиёсий, маданий ва бошқа таркибий қисмларининг фаолият юритиши мумкин эмас. Шубҳасиз, жамоат хавфсизлигини таъминланишининг етарли даражада эмаслиги ҳар бир фуқаронинг шу жумладан бутун жамиятнинг хавфсизлик туйғусига салбий таъсир қилади»³.

Бошқарув назариясида «бошқарув» у ёки бу ижтимоий организм фаолиятининг объектив жиҳатдан зарурий шарт-шароити ҳисобланади. Бошқарув орқали яқка шахсларнинг ҳаракатлари мувофиқлаштирилади ва бирлаштирилади, вазифалар ҳал қилинади ва умумий мақсадларга эришилади. Маълумки, «Бошқарув» атамаси италянча «*managgiare*» сўзидан олинган. Дунёнинг жуда кўплаб мамлакатларида эса иқтисодий соҳадаги бошқарув «*management*», сиёсий соҳадаги бошқарув «*governance*» («*government*») атамаси билан, техника

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 29 ноябрдаги «Ўзбекистон Республикаси жамоат хавфсизлиги концепциясини тасдиқлаш ва уни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-27-сон фармони // Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 01.12.2021 й., 06/21/27/1116-сон.

² *Sharipov S.S. Scientific Analysis of the Content and Essence of the Reforms Related to the Maintenance of Public Order and Security of Law Enforcement Agencies // International Journal of Multicultural and Multireligious Understanding. <http://ijmmu.comeditor@ijmmu.com> ISSN 2364-5369. Volume 8, Issue 11. November, 2021. Pages: 260.*

³ *Tkachenko. V., Kolenichenko. V., Bogachev. R. and Zimovets. N. Prospects of the Public Order Protection Organization at the Municipal Level in Russia. // [Электрон манба]. – URL: <https://www.elibrary.ru/item.asp?id=46610217>.*

соҳасидаги бошқарув эса «control» («controlling») атамалари билан ифодаланади⁴. Бошқарув бошқарувчининг бутун тизим самарали иш-фаолиятини таъминлаш бўйича фаолиятидир⁵. Бунда «таъминлаш» – бирон нарса амалга ошириши, рўёбга чиқиши учун зарур шароит яратишни англатади⁶.

Жамоат хавфсизлигини таъминлаш фаолиятини бошқариш ваколатли давлат органлари ва жамоат ташкилотларининг ушбу соҳадаги ижро этиш ҳамда фармойиш бериш фаолияти ҳисобланади⁷. Бу жараён кенг қамровли бўлиб, турли шакл ва усуллар мажмуидан фойдаланишни талаб қилади⁸.

Жамоат хавфсизлигини таъминлашнинг яхлит тизимини шакллантириш, ички ишлар органларининг энг қуйи бўғинидан республика даражасигача самарали фаолиятини йўлга қўйиш ва замонавий иш услубларини жорий этиш борасида амалга оширилган ислохотлар натижасида ички ишлар органларининг жамоат хавфсизлигини таъминлаш фаолиятини ташкил этишнинг «республика – вилоят – туман – маҳалла» тизими асосида яхлит бошқарув ва узлуксиз назорат қилиш механизмлари шаклланди⁹. Мазкур тизимнинг жорий этилиши, ички ишлар ва бошқа давлат органларининг жамоат хавфсизлигини таъминлаш борасидаги фаолиятини самарали мувофиқлаштириш орқали мамлакатимизда тинчлик ва барқарорликни таъминлаш имконини бермоқда.

Ички ишлар органларининг **республика миқёсида** турдош соҳавий хизматлар фаолиятини бошқариш ва мувофиқлаштиришнинг ягона тизимини яратиш мақсадида, Жамоат хавфсизлиги департаменти ташкил этилди.

Департамент бошлиғи ички ишлар органлари томонидан амалга ошириладиган жамоат хавфсизлигини таъминлаш тадбирларининг ягона мувофиқлаштирувчиси ҳисобланди.

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда қуйидагилар Жамоат хавфсизлиги департаментнинг асосий вазифалари этиб белгиланган: – ички ишлар органлари жамоат хавфсизлиги бўлинмаларининг фаолиятини мувофиқлаштириш,

⁴ Ички ишлар органларида бошқарув ва ахборот-таҳлил фаолияти асослари: Дарелик / И. Исмаилов, Д.С. Мухамадалиев, Э.У. Азизов; масъул муҳаррир Б.А. Матлюбов. – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, – 2019. – Б. 48.

⁵ *Съедин С.И.* Основы управления. – М., – 1995. – С. 29.

⁶ Ўзбек тилининг изоҳли луғати: 80000дан ортиқ сўз ва сўз бирикмаси. Ж. IV / Таҳрир хайъати: Т. Мирзаев ва бошқ. – Т., 2008. – Б. 29.

⁷ *Туманов Г.А.* Организация управления в сфере охраны общественного порядка. – М., – 1971. – С. 22.

⁸ Управление деятельностью служб общественной безопасности / Под ред. Ю.Н. Ольховникова, Ф.Е. Колонтаевского. – М., 2000. – С. 96.

⁹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 26 мартдаги “Жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва жиноятчиликка қарши курашиш соҳасида ички ишлар органлари фаолиятини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-6196-сон фармони // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 26.03.2021 й., 06/21/6196/0240-сон

комплекс таҳлил қилиш ҳамда уларга амалий-услубий ёрдам кўрсатиш; – жамоат тартибини сақлаш фаолиятини ташкил этиш, жамоат жойларида аҳолининг хавфсизлигини таъминлашда ички ишлар органлари куч ва воситаларини самарали бошқариш чораларини кўриш; – ички ишлар органларининг ҳуқуқбузарликлар профилактикаси борасидаги фаолиятини таъминлаш, профилактик ҳисоб ва маъмурий назоратдаги шахсларни ижтимоий мослаштириш ишларини ташкил этиш; – вояга етмаганлар ва ёшлар, айниқса уларнинг уюлмаган қисми билан манзилли тарбиявий ва профилактик чоратadbирларни самарали ташкил этиш орқали улар орасида ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш; – йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш фаолиятини ташкил этиш, йўл-транспорт ҳодисаларининг барвақт олдини олиш, транспорт воситасини бошқаришга доир чекловларга риоя этилишини назорат қилиш; – озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазоларни ижро этишни таъминлаш, пробация назоратидаги шахсларнинг хулқ-атворини назорат қилиш, ижтимоий мослаштириш ва қайта жиноят содир этилишининг олдини олиш ишларини ташкил этиш.

Республикада жамоат тартибини оммавий бузиш билан боғлиқ ҳолатлар юзага келган тақдирда ваколатли идораларнинг ҳаракатларини умумий мувофиқлаштириш вазифаси ҳам Жамоат хавфсизлиги департаменти зиммасига юклатилган бўлиб, бу борада унинг қошида ягона идоралараро бошқарув штаби ташкил этилади.

Тошкент шаҳри ва Тошкент вилояти ички ишлар органларининг жамоат хавфсизлигини таъминлаш борасидаги фаолиятини самарали ташкил этиш мақсадида ўзига хос бошқарув тизими жорий этилган бўлиб, унга мувофиқ, Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида жамоат хавфсизлигини таъминлаш ушбу ҳудудлардаги ички ишлар ва бошқа ваколатли органларнинг мавжуд куч ва воситаларини ягона «пойтахт минтақаси» тамойили асосида сафарбар қилган ҳолда ҳамкорликда амалга оширилади.

Ягона «пойтахт минтақаси» тамойили асосида ишларни самарали ташкил этиш мақсадида Тошкент шаҳар ва Тошкент вилояти Ички ишлар бош бошқармалари бошлиқларининг ҳамраислигида Жамоат хавфсизлигини таъминлаш масалалари бўйича мувофиқлаштирувчи кенгаш ташкил этилган бўлиб, Тошкент шаҳар ва Тошкент вилояти Миллий гвардия бошқармаларининг бошлиқлари Кенгаш раисининг ўринбосарлари ҳисобланади.

Кенгаш йиғилишлари ҳар ойда камида бир мартаба ўтказилади ҳамда уларда пойтахт минтақасида криминоген ва ижтимоий вазиятни таҳлил қилиш натижасида аниқланган муаммоларни ўзаро ҳамкорликда ҳал этиш бўйича манзилли чоралар белгиланади.

Жамоат тартибини оммавий бузиш билан боғлиқ ҳолатлар юзага келганда пойтахтдаги барча ички ишлар органлари фаолиятини, шунингдек, жамоат хавфсизлигини таъминлаш бўйича ваколатли давлат органлари ва жамоат тузилмалари куч ва воситаларининг ягона тезкор бошқаруви Тошкент шаҳар Ички ишлар бош бошқармаси зиммасига, умумий бошқаруви ички ишлар вазири зиммасига юклатилади.

Пойтахтдаги барча ички ишлар органлари фаолиятини, шунингдек, жамоат хавфсизлигини таъминлаш бўйича ваколатли давлат органлари ва жамоат тузилмалари куч ва воситаларининг ягона тезкор бошқарувини ташкил этиш мақсадида Тошкент шаҳар Ички ишлар бош бошқармаси ҳузурида Ягона тезкор бошқарув маркази ташкил этилган бўлиб, унинг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат:

пойтахт ҳудудида криминоген ва ижтимоий вазиятни узлуксиз мониторинг қилиш, жамоат хавфсизлигини таъминлашга жалб этилган ички ишлар органлари, Миллий гвардия, Фавқулодда вазиятлар вазирлиги ва Тошкент шаҳар ҳокимлигининг тегишли куч ва воситаларини бошқариш;

жиноят, ҳодисалар ва фавқулодда ҳолатлар ҳақидаги хабарларга тезкорлик билан муносабат билдириш, жамоат тартибини оммавий бузиш билан боғлиқ ҳолатлар юзага келганда ваколатли идораларнинг ҳаракатларини марказлашган ҳолда мувофиқлаштириш.

Ички ишлар органларининг жамоат хавфсизлигини таъминлаш куч ва воситаларини **Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, туман ва шаҳар миқёсида** мувофиқлаштириш мақсадида, Қорақалпоғистон Республикаси ички ишлар вазирининг, вилоят, туман ва шаҳар ички ишлар органлари бошлиқларининг ўринбосари – Жамоат хавфсизлиги хизмати бошлиғи лавозими жорий этилган бўлиб, уларнинг бу борадаги асосий вазифалари сифатида қуйидагилар белгиланди:

патруль-пост ва йўл-патруль хизмати бўлинмалари фаолиятини, шунингдек маҳаллалар ва жамоат жойларида манзилли профилактик тадбирлар ўтказилишини мувофиқлаштириш;

муқаддам судланган ва пробация ҳисобига олинган шахслар билан ишлаш ҳамда ички ишлар органларининг тунги хизматини ташкил этиш.

Маҳалла ҳуқуқ-тартибот маскани **маҳалла ва қишлоқларда** жамоат тартибини сақлаш, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш фаолиятини бевосита амалга оширадиган, шунингдек, фуқароларнинг хавфсизлиги ва осойишталигини таъминлаш борасида ички ишлар органлари, бошқа ҳуқуқ-тартибот органлари ва жамоат тузилмаларининг маҳаллалар кесимида биргаликда ишлашини ташкил этадиган ички ишлар органларининг энг қуйи бўғинидаги таркибий тузилмаси ҳисобланади.

Профилактика катта инспектори Маҳалла ҳуқуқ-тартибот масканнинг бевосита раҳбари ҳисобланади ва унинг асосий вазифаларидан бири сифатида ҳудудда жамоат тартибини сақлаш ва ҳуқуқбузарликлар профилактикасига кўмаклашиш учун юборилган Миллий гвардия бўлинмаси, бошқа ваколатли давлат органларининг ходимлари ва жамоат тузилмалари вакилларининг фаолиятини мувофиқлаштириш юклатилган¹⁰.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 26 мартдаги «Жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва жинойтчиликка қарши курашиш соҳасида ички ишлар органлари фаолиятини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-6196-сон Фармонига мувофиқ, шунингдек, мамлакатимизда жамоат хавфсизлигини таъминлаш тизимини янада ривожлантириш ҳамда ушбу соҳадаги давлат сиёсатининг истиқболли йўналишларини белгилаш мақсадида, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 29 ноябрдаги «Ўзбекистон Республикаси жамоат хавфсизлиги концепциясини тасдиқлаш ва уни амалга ошириш чора тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-27-сон Фармонинг қабул қилинганлиги ички ишлар органлари жамоат хавфсизлигини таъминлаш фаолиятини мутлақо янги механизмни белгилаб берди.

Ушбу фармон асосида «Ўзбекистон Республикаси жамоат хавфсизлиги концепцияси» ҳамда «2022-2025 йилларда Ўзбекистон Республикасида жамоат хавфсизлигини таъминлаш тизимини ривожлантириш стратегияси» каби муҳим ҳужжатлар тасдиқланди¹¹. Хусусан, жамоат хавфсизлигини таъминлаш соҳасидаги давлат сиёсатини белгиловчи муҳим ҳужжат сифатида Концепцияда: жамоат хавфсизлиги ва жамоат хавфсизлигини таъминлаш тушунчаларига аниқ таърифлар; жамоат хавфсизлигини таъминлаш фаолиятининг асосий тамойиллари; жамоат хавфсизлигини таъминловчи ҳамда жамоат хавфсизлигини таъминлашда иштирок этувчи субъектлар доираси ва уларнинг вазифалари; жамоат хавфсизлиги концепцияни амалга ошириш механизми; жамоат хавфсизлиги концепцияни амалга оширишдан кутилаётган натижалар белгилаб берилди.

Мазкур ҳужжат асосида жамоат хавфсизлигини таъминлаш соҳасида давлат

¹⁰ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 2 апрелдаги “Ички ишлар органларининг жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва жинойтчиликка қарши курашиш соҳасидаги фаолиятини янада такомиллаштириш бўйича қўшимча ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПК-5050-сонли қарори // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 02.04.2021 й., 07/21/5050/0280-сон.

¹¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 29 ноябрдаги “Ўзбекистон Республикаси жамоат хавфсизлиги концепциясини тасдиқлаш ва уни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-27-сон фармони // Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 01.12.2021 й., 06/21/27/1116-сон.

сиёсатининг асосий йўналишлари сифатида қуйидагилар белгиланди:

- жамоат хавфсизлигига таҳдидларни бартараф этиш бўйича комплекс чоратадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш, шу жумладан кенг қамровли мақсадли дастурларни қабул қилиш ва уларнинг ижросини таъминлаш;
- жамиятнинг қонунга ҳилоф тажовузлардан ҳимоя қилинишини таъминлаш, шу жумладан бундай тажовузларнинг барвақт олдини олиш, уларнинг асосий омилларини аниқлаш ва бартараф этиш;
- ижтимоий ва миллатлараро низоларнинг профилактикасини амалга ошириш;
- ҳар қандай кўринишдаги террористик ва экстремистик фаолиятни аниқлаш ва унга чек қўйиш, коррупция, гиёҳванд ва психотроп моддалар, қурол, ўқ-дори, портловчи моддалар, ноқонуний миграция ва одам савдоси ҳамда инсон ҳуқуқ ва эркинликларига қарши қаратилган жиноят ва ҳуқуқбузарликларга қарши курашиш;
- ижтимоий инфратузилманинг, шу жумладан туризм объектларининг узлуксиз ва хавфсиз фаолият кўрсатишини таъминлаш;
- транспорт инфратузилмасини, транспорт воситаларининг хавфсизлик стандартларини ва йўл ҳаракати қоидаларини такомиллаштириш орқали йўл-транспорт ҳодисалари оқибатида етказиладиган зарар ва ўлим билан боғлиқ ҳолатларнинг олдини олиш;
- жиноят содир этишга мойил, маъмурий ва пробақия назоратига олинган ҳамда ёт бўлган ғоялар таъсирига тушиб адашган шахсларнинг ижтимоийлашуви, шу жумладан уларни касб-ҳунарга ўқитиш ва тадбиркорликка кенг жалб қилиш орқали ушбу тоифадаги фуқаролар томонидан қайта жиноят содир этилишига йўл қўймаслик;
- аҳоли ва ҳудудларни табиий ва техноген хусусиятли фавқулодда вазиятлардан ҳимоя қилиш, фуқаро муҳофазаси, ёнғин хавфсизлигини таъминлашда аҳолининг кўникмаларини шакллантириш ва доимий такомиллаштириб бориш;
- вояга етмаганлар ва ёшларни Ватанга муҳаббат, миллий ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат руҳида тарбиялаш, терроризм, экстремизм, зўравонлик ва шафқатсизлик ғояларидан ҳимоялашга йўналтирилган ишларни амалга ошириш орқали улар орасида ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш;
- жамоат тартибini сақлаш, фуқаролар хавфсизлигини таъминлаш ҳамда жиноятчиликка қарши курашиш соҳасига замонавий ахборот-коммуникация технологиялари ва тизимларини кенг жорий этиш;
- жамоат хавфсизлигини таъминлашга жалб қилинадиган ваколатли давлат органлари куч ва воситаларининг доимий тайёрлигини таъминлаш, тезкорлигини ошириш, моддий-техник таъминотини мустаҳкамлаш, шунингдек, уларнинг шахсий таркибини ҳуқуқий ва ижтимоий ҳимоялаш даражасини ошириш.

Мамлакатимизда тинчлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш мақсадида давлат, жамият ва шахс хавфсизлигини таъминлаш тизимида кенг қўламли демократик ислохотлар изчил давом эттирилмоқда. Демократиянинг асосий талаби бўлган инсон ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини, сўз ва виждон

эркинлигини таъминлашга алоҳида эътибор берилмоқда. Хусусан, жаҳон миқёсидаги мураккаб жараёнларни ва мамлакатимиз босиб ўтган тараққиёт натижаларини чуқур таҳлил қилган ҳолда кейинги йилларда «Инсон кадри учун» тамойили асосида халқимизнинг фаровонлигини янада ошириш, иқтисодиёт тармоқларини трансформация қилиш ва тадбиркорликни жадал ривожлантириш, инсон ҳуқуқлари ва манфаатларини сўзсиз таъминлаш ҳамда фаол фуқаролик жамиятини шакллантиришга қаратилган ислоҳотларнинг устувор йўналишларини белгилаш мақсадида, «2022 – 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси» қабул қилинди¹². Унинг иккинчи устувор йўналиши (мамлакатимизда адолат ва қонун устуворлиги тамойилларини тараққиётнинг энг асосий ва зарур шартига айлантириш)да, «Жамоат хавфсизлигини таъминлаш, ҳуқуқбузарликларнинг содир этилишига сабаб бўлган шарт-шароитларни ўз вақтида аниқлаш ва бартараф этишнинг самарали тизимини яратиш» деб номланган 16-мақсадида, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш тизимини сифат жиҳатидан янги босқичга олиб чиқиш, жамоат тартибини сақлаш бўйича патруллик хизмати фаолиятини тубдан такомиллаштириш, шу жумладан замонавий ахборот технологияларини жорий этган ҳолда фуқарони ички ишлар бўлимига текшириш учун олиб бориш амалиётидан воз кечиш ҳамда йўл инфратузилмасини такомиллаштириш ва хавфсиз ҳаракатланиш шароитларини яратиш орқали йўлларда авария ва ўлим ҳолатларини қисқартириш, шу жумладан ҳаракатни бошқариш тизимини тўлиқ рақамлаштириш ва жамоатчиликнинг ушбу соҳадаги ишларда кенг иштирокини таъминлаш каби муҳим масаллар бўйича чора-тадбирлар белгиланган.

Юқоридаги фикр ва мулоҳазаларга асосланган ҳолда шундай хулосага келиш мумкин: *энг аввало*, жамоат хавфсизлигини таъминлаш фаолиятида амалга оширилган ислоҳотлар, жамиятда тинчлик ва осойишталикни самарали таъминлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш, қолаверса давлат бошқаруви соҳасида ички ишлар органларининг роли ва мавқеининг юксалишига, фуқароларимизнинг тизимга нисбатан ишончи ва ҳурмати ошишига хизмат қилди; *кейинги ўринда* ёшларимизни маънавий таҳдидлардан асраш, уларнинг турли ёт ғоялар, диний ва мафкуравий ақидалар таъсирига берилишини олдини олиш, жамиятда зўравонлик ва радикал қарашларнинг тарқалишига чек қўйиш орқали мамлакатда ички хавфсизликни кафолатлаш муаммолари тобора муҳим аҳамият касб этаётган ҳозирги мураккаб шароитда бу борадаги ислоҳотларни изчил давом эттириш талаб этилади; *ва ниҳоят* аҳоли

¹² Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2022 – 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги ПФ-60-сон (2022 йил 28 январь) фармони // Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 21.04.2022 й., 06/22/113/0330-сон.

турар жойларида жамоат хавфсизлигини таъминлашни ташкил этиш соҳасида дунёнинг ҳар бир давлатида, айниқса ривожланган мамлакатларда ўзига хос тажриба шаклланган бўлиб, уларнинг илғор ютуқлари, иш усуллари ва шакллари ўрганиш асосида, миллий қонунчилигимиз ва уни қўллаш амалиётига жорий этиб бориш ички ишлар органларининг жамоат тартибини сақлаш ва хавфсизлигини таъминлаш фаолиятини самарали ташкил этиш ҳамда уларни бошқаришни такомиллаштиришга хизмат қилади.